

**Хавфни бошқариш тизимини такомиллаштириш**

*Назаров Абдусалом Ортиқович,  
Божхона институти Қайта  
тайёрлаш ва малака ошириш  
факультети катта ўқитувчиси, PhD*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон божхона идораларида хавфни бошқариш тизимининг вужудга келиш зарурияти, тизимнинг ижобий жиҳатлари, ўзига хос хусуиятлари ва келажакдаги истиқболлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Хавфни бошқариш тизими, Жаҳон божхона ташкилоти, божхона назорати, Киото конвенцияси, Ҳадли Стандартлар

**Аннотация:** В данной статье анализируется необходимость создания системы управления рисками в таможенных органах Узбекистана, положительные стороны системы, ее особенности и перспективы на будущее.

**Ключевые слова:** Система управления рисками, Всемирная таможенная организация, Таможенный контроль, Киотская конвенция, Международные стандарты.

**Annotation:** This article analyzes the need to create a risk management system in the customs authorities of Uzbekistan, the positive aspects of the system, its features and prospects for the future.


**Key words:** Risk Management System, World Customs Organization, Customs Control, Kyoto Convention, International Standards

Ўзбекистон Республикасининг барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун амалга ошириладиган экспорт-импорт жараёнларини имкони борича соддалаштириш, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, товар моддий-бойликларнинг чегаралар орқали ноқонуний олиб ўтилиши, контрабанда ва божхона қоидаларининг бузилишига қарши курашиш, туризмни ривожлантириш учун янада қулай шароитларни яратиш, Жаҳон божхона ташкилоти (бундан буён матнда - ЖБТ деб юритилади) томонидан божхона амалиётида қўллаш мақсадида тақлиф этилган божхона тартиб тамойиллари, стандартлари, қоидаларига амал қилган ҳолда ўз иш фаолиятимизни олиб боришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Божхона органлари томонидан фойдаланиладиган хавфни бошқариш тизими Жаҳон божхона ташкилотининг халқаро стандартлари ва рискларни бошқариш тамойилларига асосланади.



Божхона процедураларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро Киото конвенциясига асосан РБТни қўллашнинг асосий ёндашувлари



### 1-расм. Киото конвенциясига асосан ХБТни қўллашнинг асосий ёндашувлари<sup>1</sup>

Киото конвенцияси талабларига кўра божхона ҳудудига кириб келаётган ва чиқиб кетаётган барча товарлар, шунингдек транспорт воситалари бож ва солиқлар ундирилишидан қатъий назар божхона назоратидан ўтказилиши лозим. Ушбу конвенция божхона органларида хавфни бошқариш тизимини қўлланилишининг дастлабки пойдеворларидан бири бўлиб ҳисобланди.

Хавфни бошқариш тизимини жорий этиш Божхона процедураларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги Киото конвенциясига қўшилиш шартларидан биридир. Шу билан бирга, Божхона процедураларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги Киото конвенциясига қўшилиш эса Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишнинг шартларидан биридир.

<sup>1</sup> Общие сведения о применении таможенными органами системы управления рисками. URL: [http://customs.gov.ru/uchastnikam-ved/spravochnaya-informacziya/Obschie\\_svedeniya\\_o\\_primenenii\\_tamozhennymi\\_organami\\_sistemy\\_upravleniya\\_riskami](http://customs.gov.ru/uchastnikam-ved/spravochnaya-informacziya/Obschie_svedeniya_o_primenenii_tamozhennymi_organami_sistemy_upravleniya_riskami)



## 2-расм. Хавфни бошқариш тизимининг жаҳон савдосига интеграциялашувдаги аҳамияти<sup>2</sup>

2005 йил июнь ойида Жаҳон божхона ташкилоти кенгашининг навбатдаги йиллик сессияси бўлиб ўтди ва унда ЖБТ божхона хизматлари Бош директорлари бир овоздан хавфсизлик ва жаҳонда савдони енгиллаштириш учун ҳадли стандартлар асосларини қабул қилишди. Ушбу халқаро ҳужжат хавфсиз халқаро савдо режимининг бошланишини белгилаб берди, шунингдек, божхона маъмуриятлари ва тижорат ташкилотлари ўртасидаги яқинроқ ҳамкорликнинг муҳимлигини эътироф этган ҳолда, чегаралар бўйлаб олиб ўтиладиган товарлар билан “ўзаро ҳамкорликдаги фаолият” бошқарувидаги янги ёндашувни эълон қилди.<sup>3</sup>

Ҳадли Стандартларнинг 2007 версияси божхона маъмуриятлари ва ваколатли иқтисодий операторлари (ВИО) учун белгиланган шартлар ва талаблар бўйича батафсил қоидаларни ўз ичига олган.

Божхона назоратини таъминлашда хавфни бошқариш тизимининг ўрни беқиёс саналади. Ушбу тизим орқали йўловчиларни божхона назоратидан ўтказишда ялпи текширувдан воз кечилиб, танлаб назоратдан ўтказиш тамойили қўлланилади. Ушбу механизм орқали давлат бюджетига ундирилиши лозим бўлган пул маблағлари салмоғи бир мунча сезиларли даражада ошганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳозирда халқаро аэропортларда жойлашган чегара божхона постларида молиявий хавфни бошқариш натижасида ходимлар томонидан давлат бюджетига пул маблағлари ундирилиб келинмоқда. 2019-2022 йиллар давомида Тошкент халқаро аэропорти чегара божхона пости ходимлари томонидан ундирилган божхона тўловлари ўрганилди.

### 1-жадвал

**2019-2022 йиллар давомида Тошкент халқаро аэропорти чегара божхона пости ходимлари томонидан ундирилган божхона тўловлари ва расмийлаштирилган божхона кирим ордерлари<sup>4</sup>**

<sup>2</sup> Муаллифлик ишланмаси

<sup>3</sup> Рамочные стандарты безопасности и облегчения мировой торговли.

URL:<http://www.wcoomd.org/~media/50518838DCAD4D4B9600B3E94F37C663.ash>

<sup>4</sup> ДБК маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.




Тошкент халқаро аэропорти ч.б.п	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил 6 ойи
Ундирилган божхона тўловлари	630,82 млн. сўм	750,56 млн. сўм	1 млрд. 173 млн. сўм	677,14 млн. сўм
Расмийлаштирилган божхона кирим ордерлари	419 та	353 та	2372 та	3509 та

Ушбу жадвалдан божхона тўловлари ҳажми йилдан йилга ўсиб бораётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Ушбу жараёнда чегара божхона постларида молиявий хавфни бошқариш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ижобий кўрсаткичга эришилган деб хулоса қилиш мумкин.

Ҳозирги кунда чегара божхона постларда йўловчиларни ялпи назоратдан ўтказишнинг мутлақо имкони йўқ ҳамда ушбу жараёнда самарадорлик жуда ҳам паст даражада бўлишини амалиёт ўзи кўрсатиб берди. Халқаро нормаларда ҳам ҳар қандай назорат шакли қисқа муддатларда, фуқаролар қадр-қимматини ҳурмат қилган ҳолда ўтказилиши бўйича тегишли тавсиялар берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, чегара ўтказиш пунктларида Хавфни бошқариш тизимини жорий этиш орқали халқаро эътироф этилган нормалар талабини ҳам бажарилишига эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасига учиб келаётган ва ундан учиб кетаётган барча турдаги авиарейслар бўйича қуйидаги маълумотларни божхона органларининг ахборот тизимларига электрон кўринишда тақдим этишни (онлайн интеграция қилинган ҳолда) йўлга қўйиш лозим:



3-  
расм.

### Ўзбекистон Республикасига учиб келаётган ва кетаётган барча турдаги авиарейслар бўйича тақдим этиладиган маълумотлар<sup>5</sup>

Дунё бўйлаб авиайўловчилар сонининг ортиши, хавфсизлик билан боғлиқ чора-тадбирларнинг кучайиши шароитида халқаро аэропортларда самарадорликка асосланган инновацияларни жорий қилиш, йўловчиларни ва уларнинг юкларини

<sup>5</sup> ДБК маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.



божхона назоратидан ўтказишнинг янада ақлли ва самарали усуллари ишлаб чиқишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Бундай шароитда йўловчиларнинг барчасини божхона назорати шаклларида ўтказишнинг иложи йўқлиги сабабли, риск таҳлили асосида уларни танлаб назоратдан ўтказиб, тўловга тортиладиган товарларни аниқлаш оптимал ечим ҳисобланади.

Кўплаб мамлакатлар ушбу ҳудудга учиб келиш ёки учиб кетиш ниятида бўлган авиакомпаниялар операторларидан йўловчилар ҳақида олдиндан маълумот беришни талаб қилади. Ушбу маълумотлар одатда авиакомпания операторларининг бронлаштириш ва учиб кетиш назорати тизимида мавжуд бўлади. Бир қатор давлатларда йўловчилар тўғрисидаги маълумотларни авиадан бошқа транспорт воситаларида ҳаракатланганида ҳам талаб қилишади.

Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенциянинг 13-моддасига мувофиқ (Чикаго Конвенцияси, 1944 йил) мамлакат ҳудудига келаётган ва кетаётган йўловчилар, экипаж аъзолари ҳамда товарларга нисбатан ваколатли шахслар кириш ва чиқиш билан боғлиқ чегара, божхона, карантин тартиботларига мамлакатга келиши, кетиши ёки ушбу мамлакат ҳудудида бўлиш чоғида риоя қилишлари лозим <sup>6</sup>.

Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти - хавфсизлик ва самарадорликни ошириш мақсадида фуқаро авиацияси бўйича халқаро стандартларни белгиловчи ва унинг ривожланишини мувофиқлаштирувчи БМТнинг ихтисослаштирилган таркибий тузилмаси ҳисобланади.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига кўра Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотига (бундан буён матнда - ХФАТ деб юритилади) дунёнинг 193 та мамлакати аъзо ҳисобланади <sup>7</sup>.

Ушбу тартибга йўловчилар томонидан риоя қилинишини таъминлаш учун чегарада фаолият юритадиган органлар инновацион ғоялар асосида назоратдан ўтказиш шакллари кидиришмоқда. Бунда йўловчиларни контактсиз назорат шаклларида ўтказиш замон талаби бўлиб, ушбу восита бошқа назорат шаклларига нисбатан устувор ҳисобланади.

Ҳар бир давлат ўз ҳудудига кириш ҳуқуқини қўлга киритмоқчи бўлган шахслар ҳақида қандай маълумотлар зарурлигини белгилаш ҳуқуқига эга. Шу билан биргаликда барча мамлакатларга ягона шаклда тақдим қилинадиган умумий маълумотларнинг узатиш механизмини яратиш ҳам истиқболли саналади.

API (Advanced Passenger Information) маълумотлари - бу йўловчилар ва экипаж аъзолари ҳақидаги асосий ахборот жамланган тизим. Ушбу маълумотлар паспортда, йўл чиптасида мавжуд ахборотлар орқали шаклланади.

Тижорий авиакомпаниялар йўловчиларни рўйхатдан ўтказиш жараёнида уларнинг уникал рақамларини ёки экипаж аъзолари идентификация рақамларини, API қўшимча маълумотларини тўплашади. API маълумотлари йиғиб борилиб, қонунда белгиланган талаблар асосида сақланади.

Аксарият юрисдикциялар фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш мақсадида йўловчилар билан боғлиқ ахборотдан фойдаланиш имконини беради. Бунда

<sup>6</sup> Конвенция о международной гражданской авиации. URL:<http://docs.cntd.ru/document/1902240>

<sup>7</sup> Государства-члены. URL:<https://www.icao.int/MemberStates/Member%20States.Russian.pdf> – 1-2 б



ахборотни олган орган бундай маълумотларни ҳимоя қилиш учун етарли кафолатларини таъминлай олиши лозим. Бу йўловчилар тўғрисидаги маълумотлар ҳимояланганлигини ва уни суиистеъмол қилишнинг олдини олади.

Йўловчилар оқимининг ўсиши оқибатида уларни тезроқ назоратдан ўтказиш заруриятининг келиб чиқиши натижасида чегара хизматлари томонидан API тизимлари ишлаб чиқилган. Улар тобора хавфсизлик мақсадлари учун ишлатилаётганлиги сабабли, API тизимларидан фойдаланиш тобора кенгаймоқда.

Йўловчиларни идентификация маълумотлари тегишли органларга олдиндан (йўловчилар келишидан аввал) берилади ва йўловчилар етиб келишига қадар маълумотлар компьютер базаларида қайта ишланиб, риск даражаси паст баҳоланган йўловчиларнинг божхона назоратидан ўтиш жараёни тезлашиши натижасида, йўловчиларнинг белгиланган тартиб қоидаларга риоя қилиш даражаси ошишига ҳамда текширув вақти камайишига эришилади. Ушбу тизимнинг жорий этилиши натижасида мамлакатлар ўзининг инвестицион жозибадорлигини янада ошишига эришилади.

API йўловчининг паспортидаги ёки бошқа саёҳат ҳужжатидаги асосий парвоз маълумотлари билан бирга, идентификация маълумотларини ҳам ўз ичига олади. Аксарият йўловчиларнинг маълумотлари асосан паспортдан ва саёҳат чипталаридан олинади. Махсус машина ўқий оладиган чипталарнинг техник хусусияти Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти ҳужжатларида келтириб ўтилган. Авиакомпаниялар операторлари API маълумотларининг аниқ, тўлиқ ва ўз вақтида берилиши учун жавобгар ҳисобланади.

Тақдим этиладиган API маълумотларининг аниқлик даражасига тегишли органлар томонидан маълумотларни бериш вақти бўйича сўраладиган талаб ўз таъсирини ўтказди. Йўловчиларнинг API маълумотлари бронлаш, интернет орқали рўйхатдан ўтиш пайтида улар томонидан киритилган маълумотлар асосида тўпланиши мумкин.

Йўловчи тўғрисидаги дастлабки маълумот тизими (API) тўғрисидаги таърифни Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенциянинг 9 иловасида (“Чикаго конвенция”) топиш мумкин. Унга кўра API самолёт учиши ёки келишидан олдин зарур маълумотлар тўпланиб, чегара назоратига тақдим этиладиган электрон алоқа тизимидир<sup>8</sup>.

Йўловчиларни рўйхатдан ўтказиш ёзуви (PNR) - бу авиакомпания операторлари ёки уларнинг ваколатли агентлари томонидан йўловчиларнинг ҳар бир брон қилинган қатнови учун яратилган ёзувларнинг умумий номи. Ушбу маълумотлар операторлар томонидан авиаташув хизматларини кўрсатишда уларнинг тижорат ва операция мақсадлари учун ишлатилади. PNR тизимини яратиш бўйича саноат стандартлари Халқаро авиатранспорт ассоциацияси конференцияси резолюцияси бўйича маълумотномаларда ва йўловчиларнинг чипталарни брон қилганлиги ҳақидаги хабарларни алмашиш жараёни бўйича Бошқарувида тушунтирилган. PNR йўловчилар ёки уларнинг номидан тақдим этилган маълумотлар асосида шаклланади. Ушбу маълумотларга оператор ёки унинг ваколатли агенти қўшимча маълумотларни

<sup>8</sup> Руководство по регулированию международного воздушного транспорта.  
URL:[https://www.icao.int/Meetings/atconf6/Documents/Doc%209626\\_ru.pdf](https://www.icao.int/Meetings/atconf6/Documents/Doc%209626_ru.pdf) -62 б



киритиши мумкин. Масалан: сўралган жойлар сонига ўзгартиришлар, махсус овқатланиш ва қўшимча хизмат тўғрисида маълумот<sup>9</sup>.

Рискни бошқариш тизимини мукамал равишда ташкил этилган “қайта алоқа” тизимисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Риск профилларини тайёрлаш ва амалга ошириш билан бир қаторда божхона назоратининг тегишли шакллари қўллашни доимий назорат қилиб бориш, уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиб бориш ва натижалар асосида мослаштириш лозим.

Чегара ўтказиш пунктларида рискни миқдорий баҳолаш сифатида товарларни божхона чегараси орқали божхона қоидаларини бузган ҳолда ўтказиш эҳтимоли таклиф этилади<sup>10</sup>.

(1)

$$R = \frac{M}{K}$$

бунда  $M$  – божхона қоидалари бузиб олиб ўтилган товар партиялари сони,

$K$  – ушбу муддат оралиғида олиб ўтилган товар партиялари сони.

Рискни баҳолаш божхона қоидалари бузилишининг иқтисодий оқибати билан ҳам боғлиқ саналади. Рискни миқдорий баҳолаш давлатга етказилган зарарни ҳисоблай олиш имкониятини беради.

Рискнинг иқтисодий йўқотиш коэффиценти қуйидаги формула асосида аниқлаш мумкин<sup>11</sup>.

(2)

$$r = \frac{E_{dy}}{E_{sq}}$$

бунда  $E_{dy}$  - давлатга етказилган зарар,

$E_{sq}$  - товар статистик қиймати.

Агар риск коэффиценти  $0 \leq r \leq 0,05$  оралиғида бўлса, риск минимал ҳисобланади.

Хавфни бошқариш учун тизимга тегишли маълумотларни киритиш лозим бўлиб, бу маълумотлар божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлардан олинади, масалан: божхона юк ва божхона қиймати декларациялари, божхона қийматига ва божхона тўловларига тузатишлар киритиш, божхона кўриги ва кўздан кечириш ҳамда божхона кузатуви далолатномалари, божхона назоратини

<sup>9</sup> Рекомендации ИКАО в отношении записей регистрации пассажиров. URL: [http://aerohelp.ru/sysfiles/374\\_350.pdf](http://aerohelp.ru/sysfiles/374_350.pdf) - 17 б

<sup>10</sup> Н.В.Ширкунова Управление рисками в таможенном контроле: автореферат диссертации канд. эконом. наук / Н.В.Ширкунова. – М., 2005. – 16с

<sup>11</sup> Н.В.Ширкунова Управление рисками в таможенном контроле: автореферат диссертации канд. эконом. наук / Н.В.Ширкунова. – М., 2005. – 16с



таъминлашни амалга ошириш доирасида тузилган бошқа далолатномалар, шунингдек, ТИФ қатнашчилари томонидан тақдим этилган товар ва транспорт воситаларига тегишли тижорат ҳамда бошқа ҳужжатларнинг электрон ёки қоғоз нусхалари ва бошқалар.

#### **Хулоса ва таклифлар.**

Чегара божхона постларида Хавфни бошқариш тизимини яратиш масалаларини тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги илмий-назарий ва амалий аҳамиятга молик хулосалар шакллантирилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексида келтириб ўтилган божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилмаслиги эҳтимолининг даражаси риск эмас балки, божхона rischi ёки божхонада риск жумлалари билан тавсифланиши мақсадга мувофиқ.

2. Божхонада риск сўзининг салбий молиявий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда қуйидагича муаллифлик тарифини беришимиз мумкин:

**Божхона rischi** – божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳисобига давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган божхона тўловларининг тўланмай қолиш эҳтимолиги даражаси.

**Молиявий хавфни бошқариш** - давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари тўланмай қолганининг олдини олиш мақсадида божхона органлари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуи.

**Стратегик риск** - бу давлат хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳаёти ва соғлигини сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, миллий ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган риск.

3. 2018-2020 йиллар давомида содир этилган божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши энг кўп улуши (31 %) 30 ёшгача бўлган шахслар ҳиссасига тўғри келмоқда. Яъни ёшлар томонидан божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши кўплаб содир этилмоқда.

4. Халқаро аэропортлардаги чегара божхона постларидан мунтазам равишда олиб ўтилувчи товарлар учун декларация муддатини узайтириш ҳамда божхона назорати жараёнини енгиллаштириш орқали божхона тўловига тортиш бўйича потенциал молиявий riskни эрта аниқлаш имкониятига эга бўлиш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Общие сведения о применении таможенными органами системы управления рисками. URL: [http://customs.gov.ru/uchastnikam-ved/spravochnaya-informacziya/Obshchie\\_svedeniya\\_o\\_primenenii\\_tamozhennymi\\_organami\\_sistemy\\_upravleniya\\_riskami](http://customs.gov.ru/uchastnikam-ved/spravochnaya-informacziya/Obshchie_svedeniya_o_primenenii_tamozhennymi_organami_sistemy_upravleniya_riskami)

2. Рамочные стандарты безопасности и облегчения мировой торговли. URL:<http://www.wcoomd.org/~media/50518838DCAD4D4B9600B3E94F37C663.ash>

3. Конвенция о международной гражданской авиации. URL:<http://docs.cntd.ru/document/1902240>





**4.** Государства-члены.

URL:<https://www.icao.int/MemberStates/Member%20States.Russian.pdf> – 1-2 б

**5.** Руководство по регулированию международного воздушного транспорта.

URL:[https://www.icao.int/Meetings/atconf6/Documents/Doc%209626\\_ru.pdf](https://www.icao.int/Meetings/atconf6/Documents/Doc%209626_ru.pdf) -62 б

**6.** Рекомендации ИКАО в отношении записей регистрации пассажиров. URL:

[http://aerohelp.ru/sysfiles/374\\_350.pdf](http://aerohelp.ru/sysfiles/374_350.pdf) - 17 б

**7.** Н.В.Ширкунова Управление рисками в таможенном контроле: автореферат диссертации канд. эконом. наук / Н.В.Ширкунова. – М., 2005. – 16с



CH AND PUBLICATIONS»



ILMIY NASHRLAR MARKAZI